

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Исмоилов Мавлудбек Муқимжон ўғли

Тошкент давлат юридик университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6673627>

Аннотация. Мазкур мақолада шахсга доир бўлган маълумотларнинг дахлсизлиги, ушбу ҳуқуқ бузилиши оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатлар ва унга нисбатан қўлланадиган жавобгарлик масаласи изчил таҳлил қилинган. Ушбу мақоланинг долзарблиги бутун дунёда ахборот технологияси ривожланиши ва глобаллашуви билан вужудга келган ахборот хавфсизлиги кучайиши билан боғлиқдир. Ушбу маълумотларни аниқлигини ошириши мақсадида турли хил статистикалар ва қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланилди. Мавзу доирасида хорижий ва миллий олимларнинг фикрларидан, илмий ишларидан, қилган тадқиқот натижаларидан, газета ва журналлардан, хориж мамлакатлари қонун ҳужжатларидан мақсадли ҳаволалар берилди. Шунингдек жадваллар билан креатив ёндашиши мақола мазмун моҳиятини янада теранроқ очиб беришига ёрдам берган. Шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги қай даражада муҳимлиги ва уларнинг дахлсизлигини таъминлаш орқали аввало шахсни ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги ҳақида мавзу доирасида ёритилди ҳамда шахснинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилинишига оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Калим сўзлар: шахсга доир маълумот, шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлиги, маълумот, давлат сири, шахс дахлсизлиги, ахборот, ижтимоий тармоқ, ахборот хавфсизлиги.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ

Аннотация. В данной статье последовательно анализируются неприкосновенность личной информации, последствия, которые могут возникнуть в результате этого нарушения, и вопрос об ответственности. Актуальность данной статьи связана с растущей информационной безопасностью, возникшей с развитием и глобализацией информационных технологий во всем мире. Для повышения точности этих данных широко использовались различные статистические данные и законодательство. В рамках темы давались целевые ссылки на мнения зарубежных и отечественных ученых, научные труды, результаты исследований, газеты и журналы, законодательство зарубежных стран. Также творческий подход с таблицами помог более глубоко раскрыть суть содержания статьи. Важность безопасности персональных данных и возможность обеспечения их неприкосновенности, в первую очередь, освещалась в контексте темы и разработки предложений по защите персональных данных.

Ключевые слова: персональная информация, конфиденциальность информации, информация, государственная тайна, конфиденциальность, информация, социальная сеть, информационная безопасность.

THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF INVOLABILITY OF PERSONAL DATA

Abstract. This article consistently analyzes the inviolability of personal information, the consequences that may arise as a result of this violation, and the issue of liability. The relevance

of this article is related to the growing information security that has emerged with the development and globalization of information technology around the world. Various statistics and legislation have been widely used to increase the accuracy of this data. Within the framework of the topic, targeted references were given to the opinions of foreign and national scientists, scientific works, research results, newspapers and magazines, legislation of foreign countries. Also, a creative approach with tables helped to reveal the essence of the article content in more depth. The importance of the security of personal data and the possibility of ensuring their inviolability, first of all, was covered in the context of the topic and the development of proposals for the protection of personal data.

Keywords: *personal information, privacy of information, information, state secret, privacy, information, social network, information security.*

КИРИШ

Технологиянинг тез суръатлар билан ўсиши натижасида маълум бир ҳуқуқий масала ва муаммоларни келтириб чиқарди. Улардан бири шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлиги ҳисобланади. Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда ҳар бир инсон маълум бир ижтимоий тармоқдан кундалик ҳаётида фойдаланмоқда. Ижтимоий тармоқлар инсонлар учун маълумот алмашиш учун қулай бўлишига қарамай, фойдаланувчиларнинг шахсга доир маълумотлари сақланадиган улкан базага айланиб қолмоқда. Бундай вазиятда шахс маълумотлари орқали унга таҳдид қилиши ёки ундан ўз мақсади йўлида фойдаланилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги муҳим ҳисобланади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу тадқиқотнинг мақсади шахсий маълумотларнинг дахлсизлигининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилишдир. Тадқиқотнинг асосий мақсади шахсий маълумотларни ҳимоя қилишда вужудга келаётган баъзи муаммоларни аниқлаш ва уларни олдини олиш учун амалга оширилиши керак бўлган ислохотларни ишлаб чиқиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун муаллиф илмий тадқиқотнинг статистик таҳлил, социологик таҳлил, синтез, қиёсий каби бир қанча усуллари қўллаган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Авваламбор биз шахсга доир маълумотлар тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Хитойлик **М.Парк** ва **С.Чаилар**нинг ёзишича шахсга доир маълумотларга исмлар, манзиллар, турмуш тарзи каби маълум бир шахснинг шахсини тушунтириш мумкин бўлган маълумотлар киради [1]. **Р. Бесквитх** ва **С. Маинваринг**ларнинг таъкидлашича, исм, манзил, телефон рақами, онасининг қизлик исми, ССН, жинси, касаллик тарихи, суғурта ҳам инсонларнинг шахсга доир маълумоти ҳисобланади [2]. Биз Интернетдаги исталган платформада ишлатадиган шахсга доир маълумотларимиз, масалан, ижтимоий тармоқлардаги ҳисоблар ёки шахсий онлайн-банк ҳисобларимиз ва бошқа маълумотларимиз бизнинг шахсга доир маълумотларимиз ҳисобланади [3].

2018 йил 25 майдан барча Европа иттифоқига аъзо давлатлар учун кучга кирган Маълумотларни ҳимоя қилишнинг умумий қоидалари (General Data Protection Regulation (бундан кейин матнда GDPR))да таъкидланишича, умумий шахсга доир маълумотларга қўшимча равишда, юқори даражадаги ҳимояга эга бўлгани учун, энг долзарб бўлган

шахсга доир маълумотларнинг алоҳида тоифаларини (шахсга доир нозик маълумотлар деб ҳам аталади) ҳисобга олиш керак. Бу маълумотларга ирсий ва этник келиб чиқиши, сиёсий қарашлари, диний ёки мафкуравий эътиқоди ёки қасаба уюшмаси аъзолигини кўрсатувчи генетик, биометрик ва соғлиқни сақлаш маълумотлари, шунингдек шахсга доир маълумотлар киради [4].

Ушбу фикрларни ўрганиб чиққан ҳолда шахсга доир маълумотларга нималар кириши ҳақида қуйидаги фикрга келдик:



Юқоридаги шахсга доир маълумотлар ҳақидаги фикрларни ўрганиб чиққан ҳолда, шахсга доир маълумотларга инсоннинг шахсини тасдиқловчи ҳар қандай маълумотларни киритсак бўлади. Ушбу маълумотлар шахснинг узлуксиз ҳуқуқи бўлиб, ундан шахснинг рухсатисиз фойдаланиш унинг шахс дахлсизлиги ҳуқуқини бузилишига олиб келади.

Шахсга доир маълумотлар дахлсизлигига тўхталадиган бўлсак, бу энг аввало, шахл дахлсизлиги ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Шахс дахлсизлиги деганда ҳар бир фуқаронинг туғилганидан бошлаб тан олинган узвий ҳуқуқи тушунилади [5]. Шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги – инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаёти тўғрисида ахборот тўплаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатиш тақиқланади. Баъзида шахснинг ўзи тўғрисидаги рўйхатга олинган маълумотлар билан танишиб чиқиш, улардан фойдаланиш, ноаниқликлари бўлса, тузатишлар киритиш тарзидаги қўшимча ваколатларни белгилайди. Ёзишмалар ва бошқа ахборот алмашиш сири ҳам алоҳида конституциявий ҳуқуқни ташкил қилиб, шахсий ҳаёт дахлсизлиги қафолатларидан бири ҳисобланади [6].

Ўзбек олимларини ушбу мавзу юзасидан қилган тадқиқот ва фикрларига тўхталадиган бўлсак, **Ю. Раҳматова** Ахборот хавфсизлигини таъминлашда чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб чиқиб қатор мамлакатларда ахборот хавфсизлигига оид моддалар тарқоқ жойлашганини [7], **Ҳ.П. Ҳасанов** ва **О.П.Аҳмедовалар** ахборот хавфсизлигини таъминлашда криптографиянинг ўрни катталигини [8], **А.Варисов** ахборот тизимларидаги хавфсизлик тизимининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, улар ёрдамида тизимни баҳолаш ва ушбу тизимларни сертификациялаш хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланишини [9], **М.А.Артиқова** қимматли ахборотнинг чиқиб кетиши хавфини олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида биринчи навбатда ташкилотларда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини [10] билдириб ўтган.

Ҳ.П. Ҳасанов ва **О.П.Аҳмедоваларнинг** ёзишича ҳозирги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган воситаларнинг аксарияти хориж давлатларидан сотиб олингани боис, ахборот хавфсизлигини таъминловчи воситаларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги технологиялар яратишимиз кераклигини айтиб ўтган. Ушбу фикрларда назарда тутилган масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот криптографик муҳофазасини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида” [11] ги ПҚ-614-сонли Қарорда белгилаб қўйилган.

Ушбу олимлар асосан ахборот хавфсизлик масалаларига тўхталган бўлиб, шахсга доир маълумотлар дахлсизлигига тўхталиб ўтилмаган. Ахборот хавфсизлиги масалаларини кенг ёритилган бўлишига қарамай, ушбу масалалар кенг қамровда бўлиб, айнан шахснинг шахсга доир маълумотлари ҳимояси ёритилмаган.

Хориж олимларининг ушбу масаладаги фикрларига тўхталадиган бўлсак, ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилишда хорижий тажрибани ўрганган олимлардан бири **М.А.Ефремова** ва **П.В.Агапов** қатор давлатларнинг шахсга доир маълумотлар дахлсизлигига оид қонунчилик тизимини [12], Хитойлик **Х. Зоу** шахсга доир маълумотларнинг бузилиши фуқароларнинг нормал ҳаёти ва манфаатларига уларнинг шахсий ёки мулкӣ хавфсизлиги учун зарар етказишини [13], **А. Брэдлей, Археарт, Л.Жессиса Робертслар** Genetic Information Nondiscrimination Act (GINA) ва ходимларнинг шахсга доир маълумотлари иш берувчилар томонидан бузилиши ёки ҳимоя қилинишига оид [14], **Е.И.Жук** ахборот хавфсизлигининг концептуал жиҳатлари, жумладан ахборот хавфсизлигини тизимларининг дастурлаштирилган ва аппаратлаштирилган воситаларига доир изланишлар олиб бориб, ахборотни ҳозирги замондаги энг қимматбаҳо объектлигини [15], **Б. Сиерзпутовский** 2007 йилги Эстонияга қилинган киберҳужумнинг оқибатлари ва бу воқеадан сўнг жаҳон ҳамжамиятининг маълумотлар дахлсизлигини кучайтирганини ҳақида [16], **Н.Кшетри** маълумотлар потенциал қийматга эга, улардан қўшимча даромад олмақчи бўлганлар фойдаланиш мумкинлигини [17] таъкидлаб ўтган.

Шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги бир қатор норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар орқали ҳимоя қилинади. Шу жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 3-моддасида шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, 12-моддасида белгиланган шахс номуси ва шаъни дахлсизлиги [18], шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги

халқаро Пакт (1966 йил 19 декабрь) нинг 17-моддаси 1-қисмида “Хеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиб, унинг уй-жойи дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас” [19].

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида Ахборот хавфсизлиги йўналишини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужатларни кўришимиз мумкин. Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [20], Ўзбекистон Республикасининг “**Шахсга доир маълумотлар тўғрисида**”ги ЎРҚ-547-сонли **Қонунининг 28-моддасида** “*Субъектнинг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида мулкдор ва оператор ёки шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахс томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган талаб шахсга доир маълумотларнинг махфийлигидир. Мулкдор ва оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт*” [21].

Шахсга доир маълумотларини дахлсизлигини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46²-моддасига [22] биноан жавобгарликка тортилади. Агар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин яна содир этилган ҳолларда, Жиноят кодексининг 141¹-моддасига [23] асосан жавобгарликка тортилади.

Юқоридаги қонунларда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган нормалар келтирилган бўлсада айнан қандай маълумотлар шахсга доир маълумотлар эканлиги кўрсатилмаган. Бундан ташқари юқоридаги кодексларнинг диспозиция қисмида шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда яратиш масаласи ёритилмаган. Холбуки, кимдир бошқа шахснинг маълумотларини ўзи яратиб киритиб ноқонуний фойдаланиши мумкин. Бунга мисол қилиб кимдир бировнинг паспорти орқали ўзига вебмоней очишини олишимиз мумкин.

Ушбу масала юзасидан хориж мамлакатлари қонунчилигини ўрганиб чиқадиган бўлсак, ахборот хавфсизлигига доир ҳужжат 2001 йил 23 ноябрда Будапештда бўлиб ўтган конвенсияда [24] қабул қилинган бўлсада, ҳозирги вақтда халқаро доирада ахборот хавфсизлигини қонун билан ҳимоя қилиш, унга доир жиноятларни тартибга солувчи, ушбу таҳдидларни олдини олувчи ва унга қарши курашувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Қиёсий юридик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хорижий давлатларнинг ҳуқуқ тизимида ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилишга доир тизимли ёндашувнинг йўқлиги билан тавсифланади. Бироқ, баъзи мамлакатларда маълумотлар қонун билан ҳимояланган. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Жадвал №1

Давлатлар	Маълумотлар дахлсизлигига оид нормалар
-----------	--

<i>Полиша</i>	Жиноят кодексининг “Ахборотни ҳимоя қилишга қарши жиноятлар” деб номланган 33-боби давлат сирларининг махфийлигини бузиш, расмий ва касбий сирларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар, алоқа махфийлигини бузиш, муҳим маълумотларга қарши ҳужумлар таъқиқланади [25].
<i>Корея</i>	Жиноят Кодексига кўра касбий сирларни очиш ва алоқа махфийлигини бузиш жавобгарликка тортилади [26].
<i>Германия</i>	Жиноят кодексига кўра шахсий сирларни, яъни шахсга иш жараёни мобайнида ошкор бўлган шахсий ёки тижорат сирларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Яъни, Германия қонунчилиги, касбий ёки расмий сирларни ошкор этишни, бу Германия Федерал Республикасининг маълумотлар шахсга иш берувчи томонидан ошкор этилиши тақиқланган ахборотни ошкор этиш сифатида жавобгарликка тортади [27].
<i>Япония</i>	Япониянинг АППИ (The Act on the Protection of Personal Information) қонунида ёзилишича ирк, эътиқод, дин, жисмоний ёки руҳий ногиронлар, тиббий ёзувлар, тиббий ва фармакологик даволаниш, ҳибсга олиш ёки жиноий иш юритиш каби шахсга доир маълумотларни ўз ичига олади [28].
<i>Россия</i>	<p>Ҳар ким шахсий ҳаёти, шахсий ва оилавий сирлари дахлсизлиги, шаъни ва ўз номини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалар, телефон суҳбатлари, почта, телеграф ва бошқа хабарлар дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқни чеклашга фақат суд қарори билан йўл кўйилади [29].</p> <p>2006 йил 27 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 152-ФЗ-сонли Федерал қонунига мувофиқ, шахсга доир маълумотлар аниқ бир шахснинг (тўлиқ исм, туғилган сана, серия ва рақам паспорт, телефон рақами, рўйхатдан ўтиш (яшаш) манзили, электрон почта манзили сиёсий ва диний эътиқодлар ва бошқалар) тўғридан-тўғри ёки билвосита тегишли бўлган ҳар қандай маълумотидир [30].</p>

Шахсий ҳуқуқининг таркибий қисми бўлмиш алоқа ёки ёзишмалар, почта, телеграф ва бошқа хабарларнинг махфийлиги ҳуқуқи ҳам чет эл жиноят қонунчилиги билан ҳимояланган. Бироқ, бу борада давлатлар қонунчилигида фарқлар учраб туради. Белгия қонунчилиги алоқа ёки телефон алоқаси сирларини бузилишини жамоат тартибига қарши жиноят сифатида белгилайди [31]. Испания Жиноят кодекси [32] бу каби махфий маълумотларни бузиш борасида ҳеч қандай қонун келтирмайди. Компютер

маълумотларига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш бўйича МДХ давлатларининг жиноят қонуни кўп жабҳаларда бир бирига ўхшаш бўлиб, уларнинг кўпчилигида МДХ давлатларининг Жиноят кодексининг намунавий қоидалари [33] қабул қилинган, аммо уларнинг баъзилари ўзгариб бормоқда.

Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўплаб хорижий давлатларнинг жиноий қонунларида ахборот хавфсизлигини жиноий-ҳуқуқий ҳимоялашга тизимли ёндашув мавжуд эмас. Аммо, баъзи давлатларнинг қонунчилигида, қонун билан ҳимоя қилинадиган ахборотлар маълум бир тур сифатида белгилаб қўйилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики фақатгина Полша жиноят қонунчилигидагина ахборот хавфсизлигини қонунан муҳофаза қилишга тизимли ёндашув мавжуд. Бошқа бир неча давлатларда турли турдаги махфий маълумотларнинг тизимли ҳимоя қилинишини кузатиш мумкин. Кўплаб давлатларда ахборот хавфсизлигига қарши ҳаракатларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари Жиноят кодексининг маълум бир қисмларида тарқоқ жойлашгани аниқланди.

Шуни тан олишимиз керакки, ҳозирги кунда шахсга доир маълумотларнинг бузилиши ҳолатларининг кўп қисми ижтимоий тармоқларда рўй бермоқда. Forbes журналининг ёзишича, Whatsapp ижтимоий тармоғи Американинг FBI (Federal Bureau of Investigation) органига бир неча бор фойдаланувчиларнинг маълумотларини тақдим этгани [34], Telegram орқали фирибгарликлар кўпайгани бунга мисол қилиб одам кўшсангиз маълум бир пул миқдорини ўтказиб бераман деб сизнинг банк картангизни олган ҳолда сизнинг шахсга доир маълумотларингиздан фойдаланаётгани фирибгарлар Telegram ботлардан онлайн меҳмонхоналарни бронлаштириш хизматлари, кўчмас мулкни ижарага олиш ва ҳаттоки саёҳатчиларни қидириш учун сохта саҳифалар яратишда фойдаланиб ўзларининг схемаларида сохта аккаунтларни рўйхатдан ўтказиш орқали ўз жиноий мақсадларини амалга оширишмоқда [35]. Булардан ташқари, Whatsapp да хабарларни шифрлаш йўлга қўйилган пайтда яна бир функция – чатларнинг захира нусхасини “булутли” серверда сақлаб қўйиш имкони ҳам йўлга қўйилганди. Дуровнинг фикрича, бу аслида тузоқ бўлиб, шифрланган бўлишига қарамасдан, фойдаланувчиларнинг маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этиш имконини беради [36].

Ҳозирги кунда шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлик ҳуқуқини бузилишига оид жиноятларнинг статистикалари ҳақида тўхталадиган бўлсак, 18 Chilling privacy statistic маълумотларига кўра, Дунё бўйлаб Интернет фойдаланувчиларининг 79 фоизи ўз шахсига доир маълумотлари устидан назоратни бутунлай йўқотган [37]. 2018 йил 25 майда Европада ГДПР амалга оширилганидан буён, ушбу қонунларни бузганлик учун катта миқдордаги жарималар қўлланилди. 2021 йил январ ҳолатига кўра, Италия ва Германияда энг катта жарималар қўлланилган [38].

ХУЛОСА

Юқоридаги ҳолатларни ўрганиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, шахсга доир маълумотлар тушунчасини кенг қамровда ўрганган ҳолда, шахсга доир маълумотлар ҳақида муаллифлик тарифи ишлаб чиқилди. Шахс дахлсизлиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, шахснинг руҳсатисиз уни ўғрилаш, бузиш ёки ўзгартириш орқали унинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатлари ҳозирги кунда кўп учрамоқдалиги аниқланди. Ушбу масалалар мақола давомида кенг қамровда ўрганиб чиқилиб, шахсга доир маълумотлар дахлсизлигига оид муаллифлар жамоаси шакллантирилди. Шахсга

доир маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш учун миллий ва хориж мамлакатлари қонунчилиги ўрганиб чиқилди. Ушбу изланишлар давомида барча давлатларда ҳам шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги бузилишини олдини олувчи нормалар Жиноят ёки бошқа қонунларида берилмаганлиги аниқланди.

Юқоридаги изланишларни олиб борган ҳолда Ўзбекистонда шахсинг шахсга доир маълумотлари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Ўзбекистонда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилган бўлса-да, ушбу қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган тушунчаларга шахсга доир маълумотларга нималар кириши ва уларнинг турларини аниқ ҳолда бериш орқали нормага қўшимча киритилса ҳамда Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг диспозиция қисмига шахсга доир маълумотларни ноқонуний равишда яратиш деган жумлани қўшса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу жумладан, ушбу ҳолатларни олдини олишда қўшимча чора-тадбирларни кучайтириш, инсоннинг ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Олий Суд Пленуми томонидан янги қарор ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари, Ўзбекистонда шахсга доир маълумотлар сақланадиган серверлар фақат Ўзбекистонда жойлашиши кераклиги ҳақидаги нормани қонун билан белгилаб қўйиш лозим. Негаки, Ўзбекистон фуқароларининг шахсга доир маълумотлари хориж мамлакатлари серверларида бўлиши уларнинг дахлсизлигини таъминлашни қийинлаштиради. Зероки, Шахсинг маълумотлари унинг кимлигини белгилаб, унинг ўзгартирилиши орқали унинг обрўси, шаънига путур етказилиши мумкин.

Reference

1. M.Park, S. Chai, The Value of Personal Information : An Exploratory Study for Types of Personal Information and Its Value, Asia Pacific Journal of Information Systems Vol. 28 No. 3 – 2018. – В. 155.
2. R. Beckwith va S. Mainvaring, Privacy: Personal Information, Threats, and Technologies, IEEE Xplore, – 2009. – В. 2.
3. The official website: Hogan injury law firm // <https://www.hoganinjury.com/cybersecurity-securing-personal-information/>
4. The official website: GDPR // <https://gdpr-info.eu/issues/personal-data/>
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси III ҳарфи – Т.: – 2000-2005. – В.65.
6. Р.А. Муҳитдинов, Ўзбекистон юридик энциклопедияси “Адолат”, –Тошкент: – 2009. – В. 528
7. Ю. Рахматова, Ахборот хавфсизлигини таъминлашда чет эл давлатларининг қонун ҳужжатлари таҳлили // ОРИЕНСС. 2021. №6.
8. Ҳ.П. Ҳасанов, О.П. Аҳмедова, “ Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик воситалари” // – Т.: Жамият ва бошқарув, – 2015. 2-сон. – В. 46.
9. А. Варисов Электрон тижорат тизимида информацион ресурслар хавфсизлигини таъминлаш // – Т.: Жамият ва бошқарув, - 2015. 1-сон. - В. 88.
10. М.А.Артиқова, “Ахборот хавфсизлиги: Ахборотнинг ноқонуний йўллар билан “чиқиб кетиши” муаммолари” // – Т.: Жамият ва бошқарув, -2014. 2-сон. – В. 45.
11. “Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-614-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2018-й., 06/20/5578/0984-сон.

12. M.A. Efremova, P.V. Agapov Crimes against Information Security: International Legal Aspects of Fighting and Experience of Some States, “Journal of Internet Banking and Commerce”, April 2016, vol. 21, no. S3
13. H. Zou Protection of Personal Information Security in the Age of Big Data, 12th International Conference on Computational Intelligence and Security, 2016
14. A. Bradley Areheart, Jessica L. Roberts, GINA, Big Data, and the Future of Employee Privacy, *The Yale Law Journal*. – 2019. – В. 710-783.
15. Е.И. Жук Концептуальные основы информационной безопасности // *Машиностроение и компьютерные технологии*. №04.– 2010. – Б.35.
16. Bartłomiej Sierzputowski, The data embassy under public international, “*British of international and comparative law*”, – 2019. – В. 225-242.
17. Nir Kshetri, Big data's impact on privacy, security and consumer welfare, *Telecommunications Policy* 38(11), November 2014
18. The official website: United Nations Organization, Universal Declaration of Human Rights (Бирлашган миллатлар ташкилоти, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси) 24.10.1948. Available at: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>
19. А.Х. Саидов, Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар – Т.: Адолат, – 2002. – Б. 61.
20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон
21. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон
22. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.09.2021й., 03/21/716/0877-сон
23. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.10.2021 й., 03/21/719/0929-сон
24. The official website: Council of Europe (COE), Convention of the European Council on Cybercrime, Budapest, 23.11.2001. Available at: <https://rm.coe.int/1680081561>
25. Criminal Code of the Republic of Poland / https://www.legislationline.org/download/id/4172/file/Polish%20CPC%201997_am%202003_en.pdf
26. Criminal Code of the Republic of Korea, 1953, www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html
27. Criminal code of Germany / https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html#p1892
28. Japan - Data Protection Overview, Available at: <https://www.dataguidance.com/notes/japan-data-protection-overview>
29. Россия Федерацияси Конституцияси 23-модда. Available at: <http://www.constitution.ru/en/10003000-03.htm>
30. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” ги 152-ФЗ-сон Федерал қонуни. 2006. Available at: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61801/ Accessed on: 30.10.2021
31. Matsnev, N. Criminal Code of Belgium. St. Petersburg: Yuridicheskiy Tsent Press, 2004

32. Kuznetsova, N. & Reshetnikov, F. Criminal Code of Spain. Moscow: Zertsalo, 1998
33. Model Criminal Code of the CIS Member States, Adopted by the Resolution of Interparliamentary Assembly of the CIS Member States, 1996.
34. The official website: Forbes 22.01.2017 / <https://www.forbes.com/sites/thomasbrewster/2017/01/22/whatsapp-facebook-backdoor-government-data-request/?sh=1bf2b4561030> Accessed on: 11.10.2021
35. The official website: РИА Новости, 08.04.2021// <https://ria.ru/20210408/moshennichestvo-1727298977.html> Accessed on: 22.10.2021
36. The official website: Terabayt. 16.05.2019 // <https://www.terabayt.uz/uz/post/telegram-asoschisi-durov-nima-uchun-whatsapp-hech-qachon-xavfsiz-bola-olmaydi> Accessed on: 11.10.2021
37. The official website: Legal jobs. Branka Vuleta 31.05.2021 available at: <https://legaljobs.io/blog/privacy-statistics/>
38. The official website: Statista. 15.02.2021 // <https://www.statista.com/statistics/1203641/value-of-gdpr-fines-europe/>